



## ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА БОРЛИҚ СУБМАТЕРИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРНИ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Улуғмуродов Элёр Сайдуллаевич

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада борлиқнинг яралиши, яралиш ибтидоси, яшаш тарзи, шакл-шамойили, ички мазмуни, мангуликка дохиллиги ёки ўткинчилиги каби саволлар ибтидоий даврлардан то ҳозирги кунгача бўлган тушунилиши фалсафий таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** тасаввуф, генезис, пантеизм, дунёқараш, онтология, гносеология, ислом, Ваҳдат ул-вужуд, ирфон, мистика.

Фалсафа фанининг борлиқ ҳақидаги масалаларни ўрганувчи қисми *онтология* деб аталади. Онтология сўзи юнонча *ontos* (мавжудлик) ва *logos* (таълимот) сўзларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, «мавжудлик ҳақидаги таълимот», яъни борлиқ ҳақидаги фан маъносини ифодалайди. Борлиқ асосий фалсафий тушунча бўлиб, олам ва ҳар қандай турдаги мавжудликни ифодалайдиган категориядир. Фалсафанинг онтология қисми борлиқ ҳақидаги фандир.

Қадимги Эрон ва Турон файласуфлари инсон борлиғи олам борлиғи билан бевосита алоқадор, инсон борлиғида олам борлиғи ўз ифодасини топади, олам борлиғи эса тўрт асосий унсурдан: тупроқ, сув, олов, ҳаводан ташкил топган, олам борлиғининг мураккаб шаклларида бири бўлган инсон табиати ҳам, шубҳасиз, ўша тўрт унсур билан боғлиқ бўлади, деб ишонтиришга ҳаракат қилдилар. Одам алайҳиссаломнинг яратилиши тўғрисида келган ҳадисларда зикр қилинишича Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: “Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Одамни ернинг барча жойларидан ҳовучлаб олган бир ҳовуч (тупроқ)дан яратди. Натижада, Одам болалари (турли хил ранг ва табиатлардан иборат) ерга мувофиқ равишда вужудга келдилар. Улардан оқ, қизил, қора ва бу (ранглар)нинг ўртасидаги кишилар, қабих ва яхши (табиатли) кишилар, юмшоқ ва қўпол (табиатли) кишилар ва уларнинг ўртасидаги кишилар пайдо бўлдилар”.<sup>1</sup> Сайфиддин Бохарзийнинг одам ва олам ҳақидаги қарашлари хожагон ва яссавия таълимотининг устози Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг “Коинот ва инсон” ҳақидаги рисолаларидаги фикрлари билан ҳам уйғундир.<sup>2</sup> Одамнинг яратилиши тўғрисидаги Сайфиддин Бохарзий қарашлари Ғарбда машҳур файласуф Роджер Бэконнинг (1214-1292) фалсафий қарашлари билан уйғун. Роджер Бэкон “инсониятни яратишда Худо Одам Атодан бошлаган деган ғояни илгари сурган”<sup>3</sup>.

Ўрта асрлар ғарб фалсафасида эса онтология теология билан чамбарчас боғлаб тушунтирилади. Бу даврда абсолют борлиқ худо билан, «соф» моҳиятлар иерархияси билан, «яратилган» борлиқ эса моддий табиат билан айнанлаштириб талқин этилган. *Схоластик фалсафа*да онтология субстанциал ва акциденциал, актуал ва потенциал, зарурий ва тасодифий, эҳтимолдаги ва имкониятдаги борлиқ даражаларини ифодаловчи таълимот сифатида қаралган. Бу даврда борлиқ концепциялари номинализм, реализм ва концептуализм

<sup>1</sup> Одамнинг яратилиши тўғрисида келган. IxlosOrgSahifasi/hi-in.facebook.

<sup>2</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Коинот ва инсон ҳақида/Ҳаёт мезони. Рутбат ул-ҳаёт. Одоби тарикат. Коинот ва инсон ҳақида. -Тошкент: Мовороуннаҳр, 2018. -Б. 113-143.

<sup>3</sup> Ғарб фалсафаси. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров.) -Тошкент: Шарқ, 2004. -Б. 247.



намоёндаларининг универсалийларнинг онтологик моҳиятига муносабати тарзида намоён бўлади.

Борлиқ Шарқда кўпинча вужуд тушунчаси сифатида ифодаланган. Шарқда вужуди вожиб, вужуди мумкин, вужуди мавжуд тушунчалари ва буларни изоҳлашда ваҳдат ул-вужуд, ваҳдат ул-мавжуд каби таълимотлар яралган.

Шарқ фалсафасида онтология кўпроқ илоҳий борлиқнинг моҳиятини, худонинг моҳиятини акс эттирувчи таълимот тарзида, шарқ пантеистик фалсафасида эса *ваҳдату мавжуд* ва *ваҳдату вужуд* кўринишидаги таълимотлар шаклида вужудга келган.

Вужуди вожиб ва вужуди мумкин тушунчалари Фаробий, Ибн Сино, Умар Хайём, Ибн Рушд каби файласуфлар томонидан таҳлил этилган бўлса, ваҳдат ул-вужуд, ваҳдат ул-мавжуд таълимоти тасаввуфда борлиқ масалаларини изоҳлашда қўлланилади. Тасаввуфда ўзига хос фикрий кўзғалиш бўлган “Ваҳдат ул-вужуд”-вужуд бирлиги таълимоти шайх Кабир Мухйиддин ибн Арабий (1165-1240) қарашлари асосида шаклланган. Буюк мутафаккир Сайфиддин Бохарзийнинг маънавий меросининг тадқиқоти у кишида ҳам борлиққа оид ғоялар мавжудлигини кўрсатади.

Кишилар ўзларининг ҳам дунёга келиши (туғилиши), яшаши ва ниҳоят вафот этиши (ўлиши), «йўқликка айланиши» ҳақида ўйлай бошлашади. Шу асосда кишиларнинг «бу дунё» ва «у дунё» (нариги дунё), яъни одамнинг вафотидан сўнг унинг руҳи кўчиб ўтадиган «дунёлар» ҳақидаги тасаввурлари пайдо бўлган. Кишилар ўзларининг кундалик тажрибалари асосида атрофидаги дунёнинг ҳозир мавжудлиги, ўзлари туғилмасдан илгари ҳам мавжуд бўлганлигига ва кейинчалик ҳам мавжуд бўлиб қолишига ишонишган. Шу тарзда уларда «борлиқ» ва «йўқлик» ҳақида тасаввурлар шаклланган. Борлиқ турли концепцияларда турлича талқин этилади. Айрим тадқиқотчилар уни муайян моддий жисм, моддий борлиқ сифатида тушунтиришади, бошқалар эса уни ғоявий, маънавий, руҳий, илоҳий моҳият шаклида тушунишади. Абу Наср Форобий ягона борлиқни 6 босқичдан иборат деб ҳисоблаган: 1-илк сабаб (сабаби-аввал) - худо; 2-сабаб - (сабаби- соний) - самовий жисмлар борлиғи; 3-сабаб - фаол ақл (ал-ақл ал-фаол); 4-сабаб - жон (ан-нафс); 5-сабаб - шакл (ас-сурат); 6-сабаб - модда (ал-модда)<sup>1</sup>. Бу босқичлар бир-бири билан сабабий боғланган бўлиб, улар барча мавжудликнинг бошланғичи ҳисобланади.

Умуман олганда, теологиянинг асосий вазифаси борлиқнинг диний-фалсафий асослари ва ундан келиб чиқадиган ихтиёр эркинлиги, тасодифийлик ва зарурийлик, Худонинг сифатлари баҳси каби масалалар ҳисобланади ва худонинг барча сифатлари билан бирга мавжудлигини фалсафий жиҳатдан асослашга уринади. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун биринчидан, худонинг мавжудлигини исботлаб бериш, иккинчидан, имкон қадар Худонинг табиатини аниқлаш ва учинчидан, Худо – олам ва Худо – инсон муносабатларини очиқ бериш масалаларини ҳал қилиш лозим бўлади<sup>4</sup>. Маълумки, инсоният яралибдики доимо борлиқнинг илоҳий яратувчиси – Худо ҳақида кўпроқ билишга, унга яқинлашишга уринади. Мавжуд барча динларда, оз ёки кўп миқдорда, Худо ҳақидаги таълимотнинг мавжудлиги, мазкур мавжуддаги баҳслар антик даврдан то бугунги кунга қадар файласуфларнинг асосий мавзуларидан бири экани юқоридаги фикрларимизга исбот бўлиб хизмат қилади. Мазкур масалаларни ҳал қилишга уринишлар натижасида фалсафий теология тез суратларда ривожланди, унинг баҳс мавзулари кўпайди. Оқибатда, бу бир неча фалсафий теологик мактабларнинг шаклланишига олиб келди. Мазкур оқимлардан энг йириклари сифатида теизм, деизм, пантеизм, панентеизм каби оқимларни санаш мумкин. Мазкур йўналиш, бир томондан, Худонинг мавжудлигини ҳеч қандай далил исботсиз қабул қиладиган клерикал доира вакилларига қарши ўлароқ юзага келган бўлса, иккинчи томондан, файласуфларга зид равишда диний олимлар томонидан

<sup>4</sup> Ю.А. Кимелев. Философия религии: Систематический очерк. Москва: Издательский Дом "Nota Bene", 1998. Ст. 177.



қўлланилган. Жумладан, ислом оламида калом илмининг пайдо бўлиши эса, иккинчи тоифага мисол бўла олади.

Ислом теологиясида онтологик масалалар аввало, худони сифатларини тушунишда намоён бўлади. Хусусан, Ибн Арабий “борлиқнинг ягона бошланғич асоси” ва инсон “ички дунёси “ёришиши” орқали билиш” ҳақидаги таълимотларни ривожлантирган. Ўзининг борлиқнинг бирлиги (вахдат ал-вужуд) ҳақидаги таълимотида “илоҳий билимда барча моддий нарсаларнинг ғоялари мавжуд, улар ундан келиб чиқади ва пировардида қайтиб боради”, деб таъкидлаган.

Ашъарий фикрича, худо танҳо халлоқ ва бепоён Борлиқнинг ҳомийсидир. Муътазилий оқимининг гапи эса, дуалистлар фикри тарзидаги икки холикни қабул қилиш натижасини беради. Шунингдек, инсон амалларини илоҳий “ҳукм ва қазо”га тааллуқли деб нисбат бериш заруратан худованд адолатини инкор этиш маъносини билдирмас эди. Адолатсизлик ё зулм фақат хожанинг амрини маҳкум этиш ёки унинг ихтиёридаги мулкни тасарруф этишдан иборат эмас, ҳар икки ҳолатда ҳам худовандни зулм қилишда айблаб бўлмайди, негаки, худо ҳеч шубҳасиз бутун борлиқнинг қонунгузори бўлиб, ҳеч бир шахс қаршисида бирор-бир мажбурият олмаган. Ашъарийнинг нуқтаи назари илоҳий сифатлар ва Қуръоннинг яратилган ёки яратилмаганлиги масаласида ҳам муътазилий устозининг қарашларига муҳолиф эди. Дин тарихчиси ва Ашъария эътиқодининг тарафдори бўлган Шаҳристониининг ёзишича, Ашъарий худонинг холиқлиги тушунчаси ва Қуръоннинг ваҳийлигига таянади. Шунинг учун муътазилийларнинг худонинг сифатларини олиб ташлашга бўлган тамойилига қарши туриб, шундай натижага келадик, илм, қудрат ва ҳаёт сифатлари қадимдан бор бўлиб, худованд зотида ўз тасдиғини топади. Муътазилийлар фикрича, бу сифатлар илоҳий зот билан бирлашмаганлар, шу боис уларни айни зот, деб ҳам бўлмайди. Чунки сифатларни зотнинг ўзи деб билиш, шундай маънога эга бўладик, илм, қудрат ва ҳаёт худонинг ўзидир.

Хулоса қилганда, ислом теологиясининг шаклланиши ва ўзининг юксак ривожланиш босқичига чиқишида ўша даврнинг исломий илмий-фалсафий оқимлари, йўналишлари ва ҳаракатларининг ўрни юқори ҳисобланган. Улар ўртасида юзага келган фикрий қарама-қаршилиқлар, ғоявий курашлар, баҳс-мунозаралар уларнинг концептуал асосларини мустаҳкамланишига, кучли ҳимоячилар ва назариётчи мутафаккирларнинг етишиб чиқишига замин яратган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. –Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2019. – Б. 4.
2. Ислом маърифати ва ҳозирги замон. Нашрга тайёрловчи Абдуллаев А. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2017. –Б. 13.
3. Улуғмуродов, Элёр Сайдуллоевич. "ИСЛОМ ДИНИДА ИНСОН–ТАБИАТ ДИАЛЕКТИКАСИ." (2022).
4. Ulugmuradov, Elyor. "GNOSEOLOGICAL DISCOURSE IN ISLAMIC THEOLOGY AND RELIGION." *Science and innovation in the education system* 3.1 (2024): 184-187.
5. Улуғмуродов, Элёр Сайдуллаевич. "ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА БОРЛИҚНИ ИЛОҲИЙ ТАВСИФИНИ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ." *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIIY JURNALI* 4.1 (2024): 183-185.
6. SAYDULLOEVICH, ULUGMURODOV ELYOR. "Philosophical Analysis of Islamic Values in the Formation of Aesthetic Thinking of the Young." *JournalNX* 6.05: 162-169.
7. Улуғмуродов, Элёр Сайдуллаевич. "ТАСАВВУФ ОНТОЛОГИЯСИ ВА ГНОСЕОЛОГИЯСИНИНГ ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ." *THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD* 1.9



(2023): 73-79.

8. Saydulloevich, Ulugmurodov Elyor. "Islamic culture: The essence and ways to improve it." *Academicia Globe* 3.03 (2022): 208-212.
9. Улугмуродов, Элёр Сайдуллоевич. "Философский анализ ценностей ислама в формировании эстетического мышления молодежи." *Общественные науки в современном мире: политология, социология, философия, история*. 2020.
10. Улуғмуродов, Элёр Сайдуллоевич. "Диний қадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг ёшлар эстетик тафаккурига таъсири." *Oriental Art and Culture II* (2020): 52-59.